

Дилобар Давроновна Қаландарова Бухоро давлат университети Тупроқшунослик  
ва география кафедраси ўқитувчиси<sup>1</sup>

УДК 911.2

**Бухоро вилояти ландшафтлари экологик ҳолатининг  
кескинлашиш сабаблари ва уни оптималлаштириш йўллари**

Д.Д Қаландарова

**Аннотация:** Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида, шу жумладан Бухоро вилояти ландшафтларида ҳам табиий ва антропоген омиллар туфайли экологик вазият ёмонлашиб бормоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда ландшафтлар самарадорлигини оширишга қаратилган оқилона тадбирлар ишлаб чиқиш энг долзарб вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** Геоэкологик вазият, ландшафт, шўрланиш, иқлим ўзгариши, чўллашиш, эрозия, табиий омиллар, антропоген омиллар,

Узоқ йиллардан буён Бухоро вилоят ландшафтларидан тартибсиз ва режасиз фойдаланиш натижасида уларнинг экологик аҳволи ёмонлашди, миқдорий ва сифатий ўзгаришлар юзага келди. Бунга сабаб қилиб бир қанча омилларни санашимиз мумкин. Ландшафтларда бўлаётган табиий ва антропоген жараёнларга бепарволик, уларни олдини олиш чораларини кўрмаслик ва энг ачинарлиси эса бу фикрлар ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганлиги оқибатида бугунги кунда ландшафтлар экологик аҳволи ҳалоқатли аҳволга келиб қолди.

Вилоят ландшафтлари экологиясини бузилишига сабаб бўлаётган қуйидаги табиий омиллар бор. Булар шамол, иқлим ўзгариши, шўрланиш, чўллашиш ва эрозия. Бу омилларнинг ландшафтлар экологик ҳолатини бузилишидаги роли қуйидагича тақсимланади.

т/р	Ландшафтларни ифлословчи манбалар	Улуши, %
1.	Шамол	30
2.	Иқлим ўзгариши	25
3.	Шўрланиш	15
4.	Чўллашиш	20
5.	Эрозия	10
Жами:		100

<sup>1</sup> Қаландарова Дилобар Давроновна –ассистент кафедраси почвоведения и географии, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб вилоят экологиясининг бузилишига бош сабабчи қилиб шамолларни (30 %) кўрсатишимиз мумкин. Маълумки, Бухоро вилояти худуди Орол денгизига яқин жойлашган. Ғарбий шамоллар натижасида Орол денгизининг қуриган жойларидан ҳавога кўтарилган чанглар ва бошқа кимёвий бирикмалар вилоят осмонида кузатилган. Бундан ташқари чўлда бўладиган кучли шамоллар ялонғоч қумларни осмонга кўтариб, худди ёмғир мисол ёғдиради. Натижада қишлоқ хўжалик экинларини “иссиқ уриши” ҳодисаси рўй беради. Атмосфера ифлосланади. Кейинги ўринни иқлим ўзгариши ва у билан боғлиқ чўллашиш, шўрланиш ва бошқа омилларга бердик. Иқлим ўзгариши натижасидан бутун дунёда йил сайин она сайёрамизнинг ўртача ҳарорати жуда оз миқдорда (ўрта ҳисобда ҳар ўн йилда 0,3°С) бўлса ҳам ортиб бормоқда. Бу биз тадқиқ этаётган кичик ҳудудга ҳам тааллуқли ҳолдир. [3]

Вилоят ландшафтларида кейинги йилларда юзага келаётган табиий жараён бу шўрланишдир.

"Шўрхоқлар чўл зонасининг ҳосиласидир", - деб ёзган эди 1934 йилда Е. П. Коровин ва Д.Н. Қашқаровлар. Ҳақиқатдан ҳам шўрхоқ ландшафтларни чўл зонасининг "йўлдоши" деса бўлади. Бу зонада шўрхоқларнинг турли тип ва кичик типлари ҳамда морфологик кўринишлари мавжуд. Одатда, тупроқнинг бир метрли юқори қатламида қаттиқ қолдиқнинг улуши 0,3 % дан ортиқ, хлорнинг миқдори эса 0,01 % гача бўлса шўрланган тупроқлар дейилса, шўрхоқларда эса қаттиқ қолдиқ 3 % дан хлорнинг миқдори эса 0,3 % дан юқори бўлади. Бухоро вилоятининг марказий қисми тупроқларини ўрганган Н.А. Буцков ва Я.М. Носировлар ҳудуднинг 2,5 % майдонни шўрхоқлардан иборатлигини қайд қиладилар. Бирок, географик нуқтаи назардан қараганда шўрхоқлар табиий геотизим сифатида чўл зонасида ўзига хос хусусиятларга ва хўжалик аҳамиятига эга [2].

Вилоят ландшафт экологик ҳолатини бузилишига сабаб бўлаётган антропоген омиллар қаторига қуйидагилар киради. Қон қазиш, аҳоли сонининг кўпайиши, чорва молларини тартибсиз боқиш, замонавий шаҳарсозлик, автомобилларнинг кўпайиши, саноатнинг ривожланиши, чиқиндилар, ҳазон ва бошқа ёқилғиларни ёқиш, саксовулзорларни ўтин учун кесиб юборилиши ва бошқалар. Ушбу омилларнинг

ландшафт экологик аҳволини ёмонлашувига олиб келишдаги роли куйидаги жадвалда берилган. [1].

т/р	Экологияни ифлословчи манба	Улуши
1.	Кон қозиш	10
2.	Аҳоли сонининг ортиши	12
3.	Чорва молларини тартибсиз боқиш	10
4.	Замонавий шаҳарсозлик	15
5.	Автомобилларнинг кўпайиши	14
6.	Саноатнинг ривожланиши	12
7.	Чиқиндилар	15
8.	Хазон ва бошқа ёқилғиларни ёқиш	10
9.	Саксовулзорларни ўтин учун кесиб юборилиши	2
Жами:		100

Бухоро вилоятининг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги кагта ташвиш туғдирмоқда.

Сув ресурсларининг тобора камайиб, уларнинг сифати ёмонлашиб бориши, бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётдаги ва экологиядаги қийинчиликлар муносабати билан суғоришда ишлатиладиган сувлар сифатининг ҳамда гидромелиоратив тизимлар техник ҳолати сифатининг ёмонлашуви (кўп жойларда вертикал дренаж скважиналарининг ишдан чиқиши, ёпиқ горизонтал дренажлар, коллектор дренаж оқимларини эксплуатация қилиш самарадорлигининг пасайиши ва бошқалар), суғориладиган ерлар шўрланишини доимо мониторинг ўтказиб туришнинг йўқлиги билан боғлиқ ҳолда кейинги йилларда вилоятда тупроқларнинг иккиламчи шўрланиш жараёнининг тезлашиши кузатилмоқда. Бунга сабаб умуман вилоят бўйича, айниқса суғориладиган ерларда ўтган асрнинг 60-йилларига нисбатан ер ости суви сатҳининг кўтарилиб кетишидир. Масалан, Зарафшон дарёсининг қуйи қисми ҳудудларида грунт сувларининг сатҳи ер юзасидан 1,5 м чуқурликда ётган майдонлар 50 %, Амударёнинг ўнг соҳилларида эса бу кўрсаткич 70 % ни ташкил этади.

Мутахасисларнинг фикрича кейинги йилларда вилоятда экологик вазиятнинг ёмонлашуви аҳоли ўртасида, энг аввало ёш болалар ва аёллар ўртасида турли хил касалликларнинг кескин ошиб кетишига олиб келди. Бу эса аҳолини сифатли ичимлик

суви билан етарли даражада таъминланмаганлиги ва атроф-мухитнинг ифлосланиши билан боғлиқ.

Вилоятда экологик вазият жиддийлашувининг социал ва иқтисодий оқибатлари экологик асосланган аҳоли миграциясининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Инсон хўжалик фаолияти таъсирида антропоген ландшафтларда салбий ўзгаришларнинг содир бўлиши XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари ва XXI аср бошларида ҳам мунтазам кузатиб келинмоқда. Бу жараёнлар айниқса суғориб деҳқончилик қилинадиган агроландшафтларда сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида маданий тупроқларнинг қайтадан шўрланиши, ботқоқланиши, ирригацион эрозиянинг фаоллашуви кабиларда яққол кўзга ташланмоқда. Бундай ходисаларни Бухоро вилояти чўлларида барпо этилган воҳа ландшафтлари ва ўзлаштирилган ҳудудларида ҳам кузатиш бугунги кунда мумкин бўлиб қолганлиги ачинарли ҳол, албатта. Бундан кўришиб турибдики антропоген ландшафтларни тадқиқ этиш, карталаштириш ва таснифлаш билан бирга уларнинг ландшафт-экологик ҳолатини оптималлаштириш масаласи ҳам алоҳида эътиборга молик масалалардан биридир [5].

Вилоят чўллари табиатига антропоген таъсирнинг кучлилигидан маданий ландшафтларни вужудга келиши билан бирга ландшафт-экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Антропоген омиллар нағижасида табиатнинг бир ёки икки компонентини ўзгартириш билан барча компонентларга ҳам таъсир этиб, унинг тадрижий ҳолати, вазифаси ва мувозанатини бузилишига сабаб бўлади. Нағижада чўл ландшафтларида салбий экологик жараёнлар вужудга келиши мумкин, бу эса ўз навбатида тупроқ эрозиясини кучайишига, микроиқлимни ўзгаришига, чучук сув ресурсларини камайиб, табиий ўсимлик ва ҳайвон турларини йўқолиб боришига олиб келади [4].

#### Адабиётлар

1. Агроклиматические ресурсы Бухарской областью. Гидрометеоздат. Ленинград. 1972, 120 стр.
2. Буцков Н.А., Насиров Я.М. Почвы Юго-Западных Кызылкумов. Ташкент, «Фан», 1986, 100 стр.
3. Бирлашган миллатлар ташкилотининг иқлим ўзгариши Рамковий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий ахбороти, - Тошкент, 1999, 125 б.

4. Назаров И.К. Абиогенные потоки в аридных геосистемах: оптимизация природопользования. Ташкент. «Фан», 1992, 100 стр.

5. Назаров И.К. О некоторых закономерностях деградации геосистем Центральной Азии Международный научно-практический журнал. Проблемы освоения пустынь. Ашхабад. 1997 а .№ 6, стр. 27-30.

**Kalandarova Dilobar Davronovna teacher of Bukhara state university department of science and geograph**

**The reasons of becoming aggravate of the ecological conditions of Bukhara region's landscapes and the ways of improvement**

**D.D Kalandarova**

**Annotation:** Nowadays in the most of world's areas, especially in Bukhara region ecological conditions are becoming aggravate for natural and anthological factors. In this complicated condition the most peak task is to work actions that raising the result of landscapes.

**Keywords:** Geological condition, landscape, changing the weather, plowing, erosion, natural and anthological factors.

**Қаландарова Дилобар Давроновна –ассистент кафедры почвоведения и географии, Бухарский государственный университет, Узбекистан.**

**Причины рискованные экологические состояние ландшафт Бухарской области пути и её птимизации.**

Д.Д Каландарова

**Аннотация:** В настоящее время также, как в развитых частях света, а также в ландшафтах Бухарской области наблюдается ухудшения экологической ситуации под воздействием природных антропогенных явление у в такой сложенной экологической ситуации. Наиважнейшие задачи является создание средосрочних и долгосрочних мероприятия по качественному улучшению местных ландшафтов.

**Ключевые слова:** Геоэкологическая среда, ландшафт, опустинование, изменение климата, эрозия, природные и антропогенные явления.